

11 (771)-сон

— 11 —

153-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**153 Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан  
боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғриси-  
даги низомга ўзгартиш киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-411-сонли Конунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 20 ноябрдаги ПФ-500-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиш киритилсан.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 17 март,  
ПФ-4990-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 17 марта  
ПФ-4990-сонли Фармонига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ  
масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартиш**

IV бобнинг матни қуидаги таҳрирда баён этилсан:

«1. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига асосан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қуидаги ҳолларда йўқотилиши мумкин:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқаросига нисбатан унинг чет эл давлати армиясига ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизматига, шунингдек полициясига, адлия органларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органларига ишга кирганлигини тасдиқловчи хужжатлар ёхуд бошқа ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда.

Консуллик муассасалари хужжатларни Ташқи ишлар вазирлигига юбо-

---

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

**153-модда**

**— 12 —**

**11 (771)-сон**

радилар, Ташки ишлар вазирлиги олинган маълумотларни ва Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг хуносаларини ўзининг хужжатлари ва хуносаси билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги фуқаролик масалалари бўйича Комиссияга тақдим этади.

б) агар чет элда доимий яшовчи шахс уч йил мобайнида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса.

Ташки ишлар вазирлиги Ички ишлар вазирлиги ҳамда консуллик муассасаларининг хужжатлари асосида хужжатлар ва хуносани кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги фуқаролик масалалари бўйича Комиссияга юборади.

Уч йиллик муддат тартиби фақатгина 16 ёшга тўлган шахсларга нисбатан қўлланилади, уларнинг ота-оналари ёки улардан бирининг илтимоснома берганлиги ҳоллари бундан мустасно. Илтимосномага 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг нотариал тасдиқланган розилиги илова қилинади.

Консуллик муассасаси раҳбари ҳолатга қараб объектив маълумотларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ўз вақтида консуллик ҳисобига турмаганлик сабабларининг узрли эканлигига мустақил баҳо беради;

в) агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги олдиндан била туриб ёлғон маълумотлар ёки сохта хужжатлар тақдим этиш натижасида олинган бўлса.

Ички ишлар органлари ёки консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги олдиндан била туриб ёлғон маълумотлар ёки сохта хужжатлар тақдим этиш натижасида олинганлиги ҳақида маълумотлар ёки аризалар келиб тушган тақдирда, шахснинг ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлигини аниқлаш учун зарур текширувларни олиб борадилар. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги олдиндан била туриб ёлғон маълумотлар ёки сохта хужжатлар тақдим этиш натижасида олинганлиги ҳолати тасдиқланган тақдирда, Ички ишлар вазирлиги ёки Ташки ишлар вазирлиги хужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги фуқаролик масалалари бўйича Комиссияга тақдим этадилар;

г) агар шахс чет эл давлати фойдасини кўзлаб фаолият юритиш ёки тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш орқали жамият ва давлат манфаатларига жиддий зарап етказган бўлса.

Шахснинг чет давлат фойдасини кўзлаб фаолият юритиш ёки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисми иккинчи бўлимида назарда тутилган тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятларни содир этиш натижасида жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказганлигини тасдиқлайдиган, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган хужжатлар шахснинг фуқаролигини йўқотиш юзасидан ташаббускор органнинг асослантирилган тақдимномаси билан бирга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юборилади.

Ички ишлар вазирлиги фуқароликни йўқотиш ташаббуси юзасидан хужжатлар нусхаларини Ташки ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматига тақдим этади. Ушбу ташкилотлар келиб тушган хужжатлар асосида

ўзларининг хулосаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида-  
ги фуқаролик масалалари бўйича Комиссияга тақдим этадилар.

Ички ишлар вазирлиги фуқароликни йўқотиш ҳақидаги хулосани тегиши-  
ли ҳужжатларни илова қилган холда Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги фуқаролик масалалари бўйича Комиссияга тақдим этади;

д) агар шахс чет эл давлати фуқаролигини олган бўлса.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар чет элда доимий яшовчи фуқаролар-  
га нисбатан ҳужжатларни Ташки ишлар вазирлигига юборадилар. Ташки  
ишлар вазирлиги ҳужжатларни ва Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий  
хавфсизлик хизматининг хулосасини қабул қилиб, уларни ўзининг ҳужжат-  
лари ва хулосаси билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузу-  
ридаги фуқаролик масалалари бўйича Комиссияга тақдим этади.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар Ўзбекистон Республикаси худудида  
доимий яшовчи фуқароларга нисбатан ҳужжатларни Ички ишлар вазирли-  
гига юборадилар. Ички ишлар вазирлиги ҳужжатларни ва Ташки ишлар  
вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг хулосасини қабул қилиб,  
уларни ўзининг ҳужжатлари ва хулосаси билан бирга Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари бўйича Комиссияга  
тақдим этади.

2. Манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари бўйича Комиссияга кўриб  
чикишга тақдим этиладиган хулосалар асослантирилган бўлиши керак.

Хулосаларда қўйидаги маълумотлар алоҳида кўрсатилиши керак:

шахснинг давлат олдиғаги бажарилмаган (ижро этилмаган) мажбурия-  
ти ёки фуқаролар ёхуд давлат ва жамоат ташкилотларининг жиддий манфа-  
атлари билан боғлиқ бўлган мулкий мажбурияти мавжудлиги;

шахснинг айбланувчи сифатида жиной жавобгарликка тортилганлиги;

шахснинг қидирудва эканлиги;

шахсга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро қилиниши лозим бўлган  
суд хукмининг мавжудлиги;

шахснинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида озодликдан маҳрум  
қилиш жойларида эканлиги;

шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиши Ўзбекис-  
тон Республикаси давлат хавфсизлигининг манбаатларига номувофиқ экан-  
лиги.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари  
бўйича Комиссия тақдим этилган ҳужжатларни ҳамда манфаатдор вазирли-  
к ва идораларнинг хулосаларини кўриб чиқади ва Ўзбекистон Республика-  
си Президенти томонидан қарор қабул қилиш учун таклиф киритади.

4. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиши расмийлаштириш  
масалаларига оид ҳужжатларни тайёрлашда фуқароликни йўқотган деб то-  
пилаётган шахсни бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида хабардор  
қилиш чоралари кўрилади.

Хабардор қилиш ўрнатилган тартибда шахснинг яшаш жойи бўйича  
амалга оширилади. Шахснинг турар жойи ҳақидаги маълумотлар мавжуд

**153-154-моддалар**

**— 14 —**

**11 (771)-сон**

бўлмаган тақдирда, унинг охирги яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини-  
ўзи бошқариш органларини ёки яқин қариндошларини хабардор қилиш  
орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги Ўзбекистон Республикаси Пре-  
зидентининг Фармони чиққан кундан бошлаб йўқотилади.

5. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг йўқотилганлиги факти  
«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Рес-  
публикаси Қонунининг 31, 32-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси  
худудида шахснинг доимий яшаш жойи бўйича ички ишлар органлари  
томонидан, чет элда доимий яшовчи шахслар учун эса, консуллик муасса-  
салари томонидан рўйхатга олинади.

6. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотишни расмийлаштириш  
масалаларига оид хужжатларни тайёрлаш тартиби Ички ишлар вазирлиги  
ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар  
билин биргаликда белгиланади».